



Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 3 (12.064)

Баҳоси эркин нарҳда

14 йилини ташкил

ПОЙТАХТНИНГ

БИР
КУНИ

Ислоҳотлар самараси

ХАРИДОРЛАРГА МАНЗУР: МАҲСУЛОТЛАР

**Ишлаб чиқариш
корхоналарида
модернизациялаш, техник ва
технологик жиҳозлаш
ишиларининг амалга
оширилиши натижасида
тайёрланаётган маҳсулот
сифати ортиб, улар четдан
келтирилаётган худди шундай
товарлар билан бемалол
рақобатлашмоқда. Янги
лоийҳаларнинг ишилаб
чиқаришга жорий этилиши эса
буғунги кун талабига мос
маҳсулот турлари яратилишида
муҳим аҳамият қасб этмоқда.**



Тадбиркорлар учун яратилган ҳар бир имконидан омилкорлик билан фойдаланиб, бозор талаблари асосида иш юритаётган «ASN Techno» масъулияти чекланган жамияти ҳам бу борада ўз нуфузига эга. Ўтган давр мобайнида йилдан йилга ишилаб чиқариш ҳажми ортиб, маҳсулот турлари кўпайиб бораётгани, ёшлар учун иш ўринлари

яратилаётгани ва энг муҳими, иқтисодиётимиз риҷоидаги саломли ҳиссаси бунийн ёркин исботиди.

Мамлакатимизда маиший ва савдо музлатгич жиҳозлари ишилаб чиқаришда етакчилар сафида бораётган мазкур корхонада буғунги кунда 150 турдан зиёд маҳсулот буортмачиларга етказиб берилмоқда. Уларни тайёрлашда эса маҳаллий

хом ашёдан ҳам унумли фойдаланилмоқда. Ўтган йилда ишилаб чиқарилган бир неча турдаги янги маҳсулотлар ҳам харидорини топди. Янги йилда эса янги лоийҳалар устида иш олиб борилмоқда.

Шарифа ИЛЁСОВА
Козим Үлмасов
олган сурат

Қарор ва ижро

БУНЁДКОРЛИК ВА ҚОНУНЧИЛИК

Мамлакатимизда обьектлар қуриш учун ер участкалари ажратиш, барпо этилаётган биноларнинг ўзаро уйғун ва мустаҳкам бўлишига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Ер кодекси ва бир қатор конун ҳуҗжатларида ер ресурслардан оқилона фойдаланиши, давлат ер кадстри юритиш, тупроқ унумдорлигини ошириш ҳамда муҳофаза қилиш борасида муносабатлар тартиби солинган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Мажхамасининг 2011 йил 25 майда қабул қилинган «Шахарсозлик фаолиятини амалга ошириш ҳамда қишлоқ ҳўжали

гига оид бўлмаган бошқа эҳтиёжлар учун ер участкалари бериш тартибини тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги қарор ерлардан самаралар фойдаланиш, кичик бизнес вакиллари ҳамда тадбиркорлик субъектларига ер майдонлари ажратиш учун кенг шароит яратишда муҳум дастуруламал бўлаётir.

(Давоми 2-бетда)



РАВШАН ЭРМАТОВ — ЖАҲОННИНГ ЭНГ КУЧЛИ ҲАКАМИ

Жаҳондаги футбол ҳакамлари фаолиятини таҳлил қилиб, баҳолаб борадиган Worldreferee.com сайти ўзбекистонлик ФИФА рефери Равшан Эрматовни 2011 йилги футбол мавсумининг «Энг яхши ҳаками», деб ўзлон қилди.

Мамлакатимизда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида спортнинг барча йўналишлари като-ри футбольни ривожланти-

риш йўлида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар юксак самаралар бермоқда. Футболда қўлга киритаётган ютуқ ва фала-

(Давоми 2-бетда)

ҚИСКА САТРЛАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз муҳбирларимиз хабарларидан.

✓ **БУГУН** Тошкент Ахборот технологиялари университетида 14 январь — Ватан ҳимоячилан-

ри куни байрамига бағишинган тадбир ўтказилди.

✓ **БЕКТЕМИР** тумани худудий тиббиёт бирлашмаси томонидан Мустаҳкам оила йили

муносабати билан «Зилола» маҳалласида малакали шифокорлар иштирокида семинар-иғтииш ташкил этилди.

✓ **ЭРТАГА** Тошкент шаҳар ка-

саба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгаши томонидан Республика болалар ортопедия марказида янги йил байрамига бағишиланган тадбир бўлиб ўтади.



МАМЛАКАТИМИЗДА

- Мингбулоқ туманининг Тегирмон қишлоғида тадбиркор Баҳромхон Йўлдошев ташаббуси билан маросимлар уйи ва майший хизмат кўрсатиш мажмуаси курилди, фойдаланишга топширилди. Кишлок кўркига кўрк кўшган ушбу мажмууда б нафар кам таъминланган оиласалар фарзандининг хатна тўйи хайрия йўли билан ўтказилди.

- Қизириқ туманидаги «Кунчикиш» қишлоқ врачлик пунктига республика Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ташаббуси билан күёш батареяси ўрнатилди. Бу тумандаги муқобил энергия манба билан таъминланган иккинчи даволаш муассасасидир.

- Ромитан туманидаги мебель ва ўрзоз буюлари тайёрлашга ихтисослаштирилган «Жайхун» корхонасида 60 миллион сўмлик модернизациялаштириш тадбирлари амалга оширилди. Натижада бу ерда кўшимча иш ўринлари яратилиши баробарида, ишилаб чиқарилётган маҳсулот сифати тубдан яхшиланди.

- Навоий шаҳридаги «Навоий курилиш кафолат» хусусий корхонаси қошида ташкил этилган паррандачилик фабрикасида 2011 йилнинг тўққиз ойидаги 604 миллион сўмликка яқин маҳсулот этиширилди.

- Янги йилнинг илк кунларидан Самарқанд шаҳридаги иккى йўналишда кўшимча ўн олтита янги автобус қатнови йўлга кўйилди. Пастдаром туманидаги «Тоҳир-Р» хусусий корхонаси томонидан йўналишларга кўйилган, Самарқанд автомобил заводида ишилаб чиқарилган мазкур автобуслар «Капиталбанк» ва «Хамкорбанк»нинг вилоят филиаллари томонидан ажратилган кредитлар ҳисобига харид қилинди.



- Австралияning Суинберн университети қошидаги руҳий фармакология маркази мутахассислари какао таркибида флавонOIDлар мавжудлигини аниқладилар. Ушбу моддалар одам хотирасини мустаҳкамлаш билан бирга, унинг иш самардорлигини ошириш хусусиятига ҳам эгадир. Бунга ишонч ҳосил қилиш максадида ўтказилган тадқиқотга 40-65 ёш орасидаги олтмиш уч нафар одам жалб этилди. Уларнинг ўттиз нафарига бир ой давомида кунига 500 миллиграммдан таркибида флавонOID бўлган какао берилди. Колгандларга эса бу тавсия этилмади. Натижада какао истеммол қилганларнинг мия фаолияти оддий ичимлик ичгандарга нисбатан анча яхшиланганни маълум бўлди.

- Жаҳон стоматологияси тарихида оламшумул янгиликлардан бири яратилди. Бу плазмали чўтка бўлиб, у тиш тозлашга мўлжалланмаган. Ундан стоматологлар зарарланган тўқималарни олиб ташлашда фойдаланишади. Қолаверса, бу чўткалар пломбалар янада мустаҳкам бўлиши ҳам хизмат қилади. Ҳозир ушбу кашфиёт юзасидан тадқиқотлар давом этирилмоқда. Агар бу кутилган самарани берса, улардан стоматологлор келаси йилдан бошлиб фойдаланишлари мумкин.

- 2011 йилда Германияда беш юз мингта иш ўрни ташкил этилган. Бу орқали мамлакатда иш билан таъминланганлар сони 41 миллион кишига етган. Шундай бўлса-да, умумий аҳолининг 7,1 фоизи ҳали-ҳамон ишсиз. Бу мазкур давлат тарихида сўнгги 20 йилдаги энг паст кўрсатич ҳисобланади. 2009 йилда жаҳон молиявий-иқтисодий инқизори туфайли Германияда ишсизлар сони қарийб 3,5 миллион кишига етганди.

- Кабутарлар санаши биларкан. Буни Янги Зеландиянинг Отаго университети психология бўйими олими Дамин Скарф бошчилигидаги тадқиқотчилар аниқлашди. Яъни компьютер экранига ракамли суратлар жойлаштирилиб, ушбу ажойиб кушларга тақдим этилди. Кейин эса кабутарлардан уларни тартиб билан кўрсатиш талаб қилинди. Буни тўғри бажарган кушлар дон билан сийлаб борилди. Якунда имтиҳонда катнашган паррандадарнинг 95 фоизи вазифани «аъло»га топширган.

«БҮЮК ИПАК ЙЎЛИ МЕРОСИ»

(Давоми. Боши 1-бетда)

Таддимот мемонлари ўзига хос шарқони мұхитдан, жумладан, ўзбекона мемондустликдан ҳам барқамада бүлділар. Тадбирнинг аксарият иштироқиларни билдирилған фикрларға қараганда, мазкур таддимот барчада катта кизикиш ўйғотди. Улар ўз таассуратларини ўртоқлашар экан, ўзбек халқынинг бой маданий мероси билан бўлган ушбу танишу дилларда Буюк Ипак йўли ганжиналарини ўз кўзи билан кўриш иштиёқини кўзгиди.

Довер шахар мэрининг ўринбосари
Ч.Визолда «АҚШ ва дунёнинг бошқа мамлакатлариди яшайдиган одамлар ҳам худди Ўзбекистон ахолиси сингари мамлакатининг заминидаги қарор топган тарихий мөъмний ёдгорликларни бутун инсоннингтаги бойлиги ва мероси, деб ҳисоблашини ва бу осори-атиқалар ўзбек халқи томонидан кўз корачиғидек авай-лаб-асрадаётгани ўтиборга сазовор» эканлигини айтди.

«Ўйлайманки, Америка – Ўзбекистон муносабатлари иктисадий ва сиёси соҳалардаги катта имкониятлар сингари маданиятни сайдик соҳаларида ҳам улкан салоҳиятга эгаиди», деди у.

«Silk Treasures Tours» сайдик компанияси вице-президенти Э.Мосса қайд этганидек, Ўзбекистон кейинги йиллар давомида бутун дунё, шу жумладан, Америка сайдикларининг ҳамозилиб маскансига айланниң колмокда. «Биз бугун замонавий Ўзбекистоннинг ноёб сайдикларни салоҳияти таддимотига, ўзбек саньатининг ўзига хос ҳозизбодорлигига гувох бўлдик. Тааддимот чогида ўзбекистоннинг жаҳонга машҳур шахлариди жойлашган мөъмний ёдгорликларни ҳамда ўлка табиати бағрида диккатга сазовор масканлар ҳадидаги фильмларни иштироқларни жуда катта кизикиш ва хайрат билан томоша килишганини кўрдим. Шу боис ўз халқи маданияти ва анъаналарига бўлган шу кадар ардокли муносабат учун Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовга ўз миннатдорлигимини ўзига этиши истар эдим».

«АСА» коллежининг вице-президенти Р.Файнберг Ўзбекистоннинг сайдик соҳасидаги имкониятлари шу даражада чексиз эканлигига ишонч хосил қилганини билдири. «Мальумки, тарихий ва маданий меросининг бойлиги, ноёблиги ҳамда хилма-хиллиги мамлакатининг жозийбодорлигини таъминлашгига муҳим омилилардан бирни ҳисобланади, деди у. Бугун мен ўзбекистоннинг хорижил саҳнада 4000 дан ортиқ тарихий мөъмний ёдгорликларни ўз ичига олган ўзига хос сайдик маҳсулотларини таклиф этиши имкониятидан хабардор бўлдим. Мазкур ёдгорликларнинг кўпчилиги ЮНЕСКО умумижаҳон мероси рўйхатига кирилтилгани ҳам, шубҳасин, катта ўтиборга сазовор жиҳатидир. Мамлакатининг согломлаштириш, экологик, экстремал, тогъиши сингари ва сайдикларнинг бошқа мукобил турларни, баланд тогълар, кўллар, ям-яшил водийлардан тортиб кўп сонли кўришоналар, миллий болгарлача камлаб олган ажойбий сайдик йўналишларини таклиф этиш салоҳиятига ҳам эга экан. Ўйлайманки, буларнинг барчаси ҳар бир американлик сайдик кизикиш ўйғотди.

«Хаҳон» АА
Нью-Йорк



Мамлакатимизда
Президентимиз
Ислом Каримов
раҳнамолигида ўш
авлодни ҳар
томонлама баркамол,
соғлом, мустақил
фикрлайдиган
инсонлар этиб вояга
етказиш, уларни
Ватанга муҳаббат ва
садоқат руҳида
тарбиялашга алоҳида
этиб ор қаратилмоқда.
Бу борада барча
шаронит ва
имкониятлар
яратилади.

Ўзбекистон Куролли Кучларининг 20 йиллигига

ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ БЎЛИШ ОРЗУСИДА

Ўқувчиликларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда мактабдан ташкири кўшимча таълим шакли – ҳарбий-спорт сининфлари муҳим ўрин тулади. Ушбу сининфлар ҳарбий-техник билимларни кенгайтириш, ўш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш бўйича олиб борилаётган ишлар сифатини ошириш, ўшларни ҳарбий хизматга тайёрлаш, ҳарбий-амалий ва техник спорт турларини оммалаштириш ҳамда ўқувчиликнинг согломлаштиришда муҳим аҳамият касб этиди. Пойтахтизмиздаги 58-мактаб қошида ташкил этилган ана шундай сининфлар самарали фаолиятни ўтириб келмоқда.

Хозирги кунда мактабимизда 1,5 минг нафардан ортиқ, ўқувчилик таълим олмоқда, уларнинг 960 нафари мактабдан ташкири кўшимча бериладиган ҳарбий-спорт сининфларига қатниди, – деди мактаб директори Саодат Худойкулова. – Мактабимизда бундай сининфлар «Alfa-trening» шўъба корхонасини билан тузилган шартномона асосида 2006 йилда ташкил этилган. Ушбу

корхона, шартномага мувофиқ, ўз уставига мос равишда мазкур сининфлар фаолиятини ташкил этида ва ўкув дастурини тузади.

Бу сининфларда ўқиш давомида болалар ҳарбий чакрикча бошлангич тайёргарлик, фаолиятни хавфисизлиги асосларни бўйича зарур билимларга эга бўлади, ўзини химоя кишиларни эгаллайди, инглиз тили, информатика ва компютер саводхонлиги асосларни чукур ўрганади. Шунингдек, фавқулодда ҳодисалар юз берган ҳолатларда тўғри ҳарқати килиш, жабрлганларга биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш, ўқувчиларда фуқаро муҳофазасига оид кўнингмаларни хосил қилиш учун ҳам бир неча соатлик машғулотлар ажратилган. Ўкиши тутагатган битирувчиларга мактаб шаходатномаси ва «Alfa-trening» шўъба корхонасининг сертификати берилади.

Асосий дарслардан сўнг ўқувчиликларни мактабдан ташкири кўшимча таълимни берадиган ҳарбий-спорт сининфлари дастурни бўйича маҳсус

фанлар ўқитилади. Шунингдек, улар учун «Ёш чегарачи», «Ёш авиатор», «Ёш десантчи», «Ёйл ҳаракати бўйича ўш инспектор», «Ёш альпинист» сингари тўғараклар ташкил қилинган. Шунингдек, болаларга кутубхона ва замонавий компютер залихизмат кўрсатади.

Ўқувчилик спорт тўғараклари ва сециклилари машғулотларига ҳам мароқ билан қатнайди. Йигит-қизлар баскетбол, футбол, стол тениси, таэквондо, самбо, кураш, волейбол, шашка, шахмат ва енгил атлетика каби спорт турларига айниска кўпроқ кизиқади.

Менинг орзум – ҳарбий бўлиш ҳамда Ватанинни химоя килиш, – деди 8-синф ўқувчisi Отабек Ражабов. – Шу мақсадда мактабда ҳарбий соҳа ва саф тайёргарларига асосларини ўргангиман, спорт билан шуғулланмайдам. Мактабни тутагатгача, Тошкент ҳарбий-телефонмуниципация академик лицейига ўтишига кирмокчиман.

**Р.БОНДАРЧУК,
ЎЗА муҳбири**

«Ёшлик» талабалар шаҳарчасида янги йил байрами муносабати билан маҳсус савдо ярмаркаси ташкил этилди.

САВДО ЯРМАРКА АҲОЛИ ХИЗМАТИДА

«Ўзстандарт» агентлиги ва шаҳарча ҳокимлиги ҳамкорлигига ўтказиладиган ярмарка Тошкент ва Тошкент вилояти тадбиркорлари томонидан ишлаб чиқарилаётган озиқ-овкат, қандолат, гўшт ва сут маҳсулотлари, турли хил шириниллар, шарбат ва компотлар, тулаламлар, тумум ва тобук гўштлари арzon нархда сотилмоқда.

Ярмаркада ишлаб чиқарувчиларни кўсимат кўрсатишда учун барча шароитлар яратилган. Фермер ва дехон ҳўжаликларни ўз маҳсулотларини шаҳарчани марказида ташкил этилган махсус расталарда соғтиши.

Савдо ярмаркаси шаҳарча ҳудудидаги аҳоли ахоли учун ҳакиқий байрам таҳфаси бўлди, десак муболага бўлди, бўлди.

Расталардаги қишиб кўхжалиги маҳсулотлари бозордагидан анча арzon.

Ярмаркада 15 дан ортиқ маҳаллий компания ва ишлаб чиқарувчилар ўз маҳсулотларни арzon ва сифатилиги билан ҳамардорларга манзур бўлмоқда.

Расталардаги қишиб кўхжалиги маҳсулотлари бозордагидан анча арzon.

Шаҳарча ҳокимлиги олдик майдонидаги ранг-баранг ўйинчолар ва турфа чироклар билан безатилган маҳобатли арча каттаю кичик, барча йигил-

ганларнинг кувончига кувонч, завқи-га завқ кўшмоқда. Болаликнинг саимий, покиза хотираларини ёдга солови Корбобо ва коркин, турли эртак ҳархонидар, айқоша бўйириб, Шум бола, Зумрад ва Киммат байрам тадбиркорларига завқ, ўзгача хуш кайфият, алоҳида кўтариликни бахш этаётган.

Ўтган 2011 йил юртимиз учун баркарор юксалиши ва тараккидаги даври бўлди, – деди шаҳарча ҳокими вазифасини бажарувчи Самуҳон Ҳикматов.

– Президентимиз томонидан амалга оширилаётган кенг кўламили ислоҳотларнинг бундай юксак самараларни ҳар бир юртодошимизнинг тинч ва фаровон ҳаётида ўз ифодасини то-

пайтириб, Кичик бизнес ва хусусий тад-

дирилди.

Янги йил шодиёналари ва савдо ярмаркаси 26 декабрдан 10 январга кадар давом этиди.

**Азима КИЁСОВА,
«Туркестон-пресс»**

Саховат

МЕҲР БИЛАН ОЛАМ МУНАВVAR

Ҳалқимизда азал-азалдан кексаларнинг ҳолидан хабар олиб, эзгу ниятларни билдириб, яхши кайфият бағишилаш унтутилмас миллий қадриятлардан бириди.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Тошкент шаҳар касаба уюшмалари ташкилларни бирлашмаси Кенгаши бу борада ҳамкорликда кўллаш ишларни амалга ошириб келмоқда. Жумладан, якнада Янги йил байрами муносабати билан республика уруши ва меҳнат фахрийлари пансионатидаги нуроний қариялар совға-саломлар, эзгу дил сўзлари билан табрикланди.

Кексаларнинг ҳолидан хабар олиш, иккича оғиз шинин сўз билан кўнглини олваш уларнинг руҳишига соглинига иштирак этиди. Пансионатидаги фахрийлар учун давлатимиз томонидан барча зарур, кўлай шарт-шароитлар яратилган бўллиб, улар бу кўрсатиладиган этибкордан фойт маннун, – деди пансионат руҳиши Баҳодир Ахмедов.

Мен Валентина Чикова 92 ўшдаман. Уруш даврида фонтон ортида меҳнат кўлдим. Уруш азобини яхши билди. Касбим шифорик. Фаровон ҳаёти кўриш насиб этишидан, сог-саломатлигимдан, кишиларнинг ширин сўзини ўшишиб, пансионатдаги кулял шароитда яшадиганлигига шукр айтиб, ўзимни баҳти аёллардан хисоблайман. Ҳар

иши касаба уюшмалари вакиллари келиб, Янги йил байрами билан табриклаб, ширин сўзлар айтиб согвалар беришади. Мен бундай ажойиб, хайрли айнаналарга бой бўлган гўзл ўзбекистонимизни севаман. Азиз юртимиз доими гулла-яшинасин, – деди савимий ниятларни билдирилди онажи.

Мен Раҳматилла Холиков, меҳнат фахрийиман. Давлатимиз раҳбари таҳқиқатига кексаларга этибкори учун катта раҳмат. Бизниснинг пансионатда барча шароитлар яратилган. Касаба уюшмалари ходимларни доимизни Янги йилдаги мурбоброқбод этиб, согвалар беришади. Бундай этибкордан хамма кексалар албатта хурсандиз. Янги йилда азиз юртодошиларни кўзига бахшадиган яхши айнанага айланни билдирилди.

Ҳалқимизга хос бўлган кексалар кўнглини обод этиб, меҳр-муҳаббатига сазовор бўлши, эзгулик, бағригенглиг каби хайрли ишларнинг яхши айнанага айланни билдирилди.

Улуғбек ПУЛАТОВ

Рухсона ЭЛЬМУРАТОВА

БУНЁДКОРЛИК ВА ҚОНУНЧИЛИК

(Давоми. Боши 1-бетда)

Карорга мувофиқ, ер участкаларини танлаш ва ажратиб бериш тартибига қатор ўзгартаришлар киртилди. Мисол учун, илгарли ер участкасини танлаш ва бериш тўғрисидаги қарорни туман ҳокими қабул қилган бўйса, эндиликларни ба вазифа вилоят ҳокими зимишасига юқлатили. Ишбильармонлар учун ер ажратишида, аввало, ер участкаси танланган, тегисли давлат ҳокимиётини организирошади. Мазкур ҳужжатлар объектни куриш куниний узин лойиҳа-смета ҳужжатларни ишлаб чиқиши учун асос бўлади.

Ердади самарафи фойдаланиш, уни муҳофаза қилиши, ер ресурсларни баҳолаш, ба борадаги салбай ҳарәндингларни олиш ва оқибатларни бартараф этища ўзбекистон Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри «Ергеодезкадастр» давлат кўмитаси томонидан изил ишлар амалга оширилмоқда.

Юридик ғизиларни танланган, уни муҳофаза қилиши, ер участкаси а

